

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ

«Ҳимояга рухсат этилсин»

факультет декани _____

доц.И.Азимов _____

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши кундузги бўлим
4-курс 406-гуруҳ талабаси Тўракулова Баҳор Муродуллаевнанинг
“Ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феълининг лексик-семантик хусусиятлари”
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

_____С.Муҳамедова

ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси профессори,
филол.фан.док-ри

Такризчилар:

“Ҳимояга тавсия этилсин”

_____Р.Расулов

ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси
мудир, филол.фан.док-ри, проф.

ТОШКЕНТ –2011

МУНДАРИЖА

Ишнинг умумий тавсифи.....

1-боб. Чикмоқ феълининг семантик хусусиятлари

1.1. Ўзбек тилшунослигида феъл тадқиқи.....

1.2. Чикмоқ феълининг семантик хусусиятлари.....

1-боб бўйича қисқа хулосалар

2-боб. Чикмоқ феълининг барқарор бирликлар таркибида қўлланиши

2.1. Чикмоқ феълининг фразеологизмлар таркибида қўлланиши.....

2.2. Чикмоқ феълининг мақоллар таркибида қўлланиши.....

2-боб бўйича қисқа хулосалар.....

Умумий хулосалар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мухтарам Президентимиз И.Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида таъкидлаганларидек: “Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат”.¹ Фанга юклатилган бундай вазифа тадқиқот олиб бораётган изланувчидан юксак билим, куч, ғайрат ва шижоатни талаб қилади. Чунки олиб борилаётган ҳар бир тадқиқот илм-фаннинг қирраларини очишга хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбек тилшунослигида функционал ва маъно хусусиятларининг кенглиги билан алоҳида ўрин тутувчи *чиқмоқ* феъли ҳали махсус тадқиқ объекти бўлган эмас. *Чиқмоқ* феълининг семантик ва синтагматик хусусиятларини яхши билиш она тили таълимида, яъни биз - бўлғувси ўқитувчиларнинг фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда мазкур БМИ мавзусининг долзарблигини *чиқмоқ* феълининг семантик ва синтагматик хусусиятларини алоҳида тадқиқ қилишга қаратилганлиги билан белгилаш мумкин.

БМИнинг мақсади *чиқмоқ* феълининг семантик ва синтагматик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

БМИ объектини ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феъли ташкил қилади.

БМИ предмети – ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феълининг семантик ва синтагматик хусусиятлари.

БМИ материаллари. Изланиш материаллари сифатида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (Тошкент:ЎЗМЭ, 2008, 4-том), Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” (Тошкент:Ўқитувчи, 1978),

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент: Шарқ, 1998, 25-б.

Ўзбек халқ мақоллари, ўзбек адабиёти ва матбуоти, сўзлашув нутқи намуналари хизмат қилди.

Илмий янгилик ва натижалар. Ишда ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феълининг семантик ва синтагматик хусусиятлари аниқланди.

БМИ методлари. БМИда тавсифий, компонент таҳлил таҳлил методларидан фойдаланилди.

БМИнинг тузилиши. БМИ ишнинг умумий тавсифи, икки боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,саҳифани ташкил қилади.

1-БОБ. *ЧИҚМОҚ* ФЕЪЛИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Ўзбек тилшунослигида феъл тадқиқи

Ўзбек тилшунослигида феъллар, уларнинг маъноси, гапдаги ўрни, гапни ташкил қилишдаги аҳамияти, валентлиги кабилар билан боғлиқ қатор тадқиқотлар майдонга келган ва келмоқда ¹. Бу тадқиқотларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: а) феълларнинг грамматик хусусиятлари ўрганилган ишлар; б) феъллар семантик майдонларга бўлинган ҳолда тадқиқ қилинган ишлар.

¹ Ғуломов А.Ғ. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. -Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1954; Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси. -Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1955; Ҳожиёв А., Сулаймонов А. Феъл замонлари. -Тошкент: Фан, 1962; Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. -Тошкент: Фан, 1966; Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. -Тошкент: Фан, 1970; Ҳожиёв А. Феъл. -Тошкент: Фан, 1973; Юсуфхўжаева Ҳ. Ўзбек тили изоҳли луғатида феъл формаларининг лексикографик таҳлилига доир. Филол. фан. номз...дис.-Тошкент, 1975; Кучкартаёв И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Дис...д-ра филол.наук. –Ташкент, 1977; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараккиёти. –Тошкент:Фан, 1980; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Тошкент: Фан, 1989; Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность.-Ташкент: Фан, 1991; Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. –Тошкент, 2001; Цалкаламанидзе А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. -Тбилиси: Мецниереба, 1987; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси.-Тошкент: Фан, 1992; Содикова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда). Филол.фан.д-ри...дис. –Тошкент, 1991. Мухамедова С.Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. –Тошкент:Фан, 2005 ва б. Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.Филол.фан.док-ри...дис.-Тошкент, 2007, 325 б.

Ўзбек тилидаги феълларнинг грамматик хусусиятлари атоқли ўзбек тилшунослари А. Ғуломов, А.Ҳожиев, Қ. Холиков, Ҳ. Юсуфхўжаева, Э.Муҳамадиев, А.Сулаймонов, М. Содиковаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбек тилшунослигида лексикани семантик майдон асосида ўрганиш тилимизга систем-структур методларнинг кириб келишига бориб тақалади. Феълни грамматик жиҳатдан ҳар томонлама тадқиқ қилиш уни семантик аспектда ўрганишга асос яратди. Ўзбек тилшунослигида феълларни семантик майдон асосида ўрганиш ўзига хос тарихга эга. Бу соҳадаги катта изланишлар олиб борган олимлар сифатида профессорлар Иристой Қўчқортоев (нутқ феъллари), Равшанхўжа Расулов (ҳолат феъллари), Мақсуда Содикова (феъл стилистикаси), Саодат Муҳамедова (ҳаракат феъллари), доцентлар Ўлмас Шарипова (юмуш феъллари), Турғун Мусаев (сезги феъллари), Зафар Сиддиқов (ўзбек ва турк тилларидаги кўрув феъллари), Жумали Шабанов (ўзбек ва турк тилларидаги фаол ҳаракат феъллари) ларни кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда феълларнинг муайян семантик майдони танлаб олиниб, уларнинг семантик, валентлик ва бошқа хусусиятлари ўрганилган.

1.2. Чикмоқ феълининг семантик хусусиятлари

Биз БМИда фақат биргина феъл – *чикмоқ* феълининг деярли барча маъноларини ўрганишга ҳаракат қилмоқчимиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (Тошкент:ЎзМЭ, 2008, 4-том) да кўрсатилишича, *чикмоқ* феълининг қуйидаги маънолари мавжуд:

Чикмоқ 1 юқорига, баландга ёки бирор нарсанинг устига кўтарилмоқ.
Дарахтга чикмоқ. Тоққа чикмоқ ва б.

С.Муҳамедова ўзининг докторлик диссертациясида чикмоқ 1 феълини Вертикал ҳаракат феълларининг «Пастдан юқорига йўналмоқ» фарқловчи семаси гуруҳига киритади. Олиманинг фикрича, ушбу феълда «фақат юқорига йўналмоқ» семаси мавжуд: “Мазкур ифодали феъллар юқорига йўналган тик ҳаракатни англатади. Бундай ҳаракатларни инсон, жонзотлар амалга оширади. Ушбу феълнинг энг муҳим семантик хусусияти – унинг юқорига йўналган ҳаракатни аниқ ифодалашидир. Яъни бунда ҳаракат муайян нуқтагача давом этади. Чикмоқ 1 - «юқорига, наrsa устига кўтарилмоқ». *Ҳошимжон югуриб бориб оғилхонанинг томига чиқди* (Х.Тўхтабоев) ”¹.

Демак, *чикмоқ* феълининг энг биринчи, бош маъноси юқорига йўналган тик ҳаракатни англатишдир.

Чикмоқ 2 – бирор транспорт воситасига тушмоқ, ўтирмоқ, минмоқ.
Автобусга чикмоқ. Самолётга чикмоқ ва б.

Кампир оғир сумкасини судраганча автобусга зўрға чиқди, ҳеч ким унга ёрдамга бермади ҳам (сўзлашув).

Чикмоқ 3 – бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки бирор нарсага эришиш мақсадида муайян жойга бормоқ. *Дўконга чикмоқ. Сув ичишга чикмоқ ва б.*

Қани, қизим, ўрнингиздан туриб, бир дўконга чиқиб келинг-чи! (сўзлашув).

¹ **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. док-ри... дис. - Тошкент, 2007, 88- б.

Демак, *чиқмоқ 1* ва *чиқмоқ 2* вертикал, тик ҳаракатни англатса, *чиқмоқ 3* эса горизонтал ҳаракатни билдиради.

Чиқмоқ 4 – бирор мақсадда узоқ жойга бормоқ, турган жойидан узоқлашмоқ. *Йўлга чиқмоқ, сафарга чиқмоқ* ва б.

Тайёрланинг, бир соатдан сўнг йўлга чиқамиз (сўзлашув).

Чиқмоқ 5 - дарё ва шу кабиларнинг табиий йўналишини ўзгартириши, тошиши. *Сув тошиб, қирғоққа чиқди.*

Интернетдан олинган сўнгги маълумотларга кўра, Катрина тўфони туфайли дарёлар ўз ўзанидан чиқиб катта талофат келтирган (“Даракчи”).

Чиқмоқ 6 – кўтарилиб, баландлашиб, бирор даражага етмоқ (турли жараёнлар ҳақида). *Иссиғи қирққа чиқди. Қон босими икки юзга чиқди.*

Дадамнинг айтишича, кечаги тўпалонлар сабаб бўлиб, бозордаги нархлар баландга чиқиб кетибди (Ў.Ҳошимов).

Чиқмоқ 7 – умрнинг маълум бир муддатига, пайтига етмоқ. *Ёшим ҳам қирққа чиқибди.*

Отам саксонга чиққан бўлсалар ҳам ҳали унча-мунча чавандозга бўш келмайдилар, хўп-ми?(Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 8- бирор ҳаракат, уриниш натижасида янги бир ҳолатга ўтмоқ, эришмоқ, етмоқ. *Озодликка чиқмоқ.*

Сомалидаги қароқчилар гаровдагиларни қўйиб юбориш эвазига қамоқда ўтирган қароқчиларни озодликка чиқаришни талаб қилмоқдалар (“Даракчи”).

Чиқмоқ 9 – ичкаридан ташқарига йўналмоқ, ичкаридан ташқарига ҳаракатланиб, маълум жойга етмоқ.

С.Муҳамедова ўз ишида *чиқмоқ 9* ни “Муайян объектга нисбатан йўналишига кўра фарқланувчи горизонтал ҳаракат феъллари “ гуруҳига киритади. Аниғи, *чиқмоқ 9* феъли «объектга кириш ёки ундан чиқиш» семали горизонтал ҳаракат феъллари “ гуруҳига киритилган: “Чиқмоқ 9 - «ичкаридан ташқарига ҳаракат қилмоқ». *Матлуба кароватдан тушиб, оёқ учида юриб ташқарига чиқди* (С.Абдуқаҳҳор) “. ¹

Биз тўплаган мисолларда ҳам *чиқмоқ 9* феълнинг айнан горизонтал ҳаракатни англатиши кузатилди. Масалан: *Аҳмадхон бўш лаганни дастурхони билан кўтариб Қушбеги кирган эшикдан чиқди* (А.Қодирий).

Чиқмоқ 10 – чуқур жойдан юқорига ҳаракатланиб, уни тарк этмоқ. Ўрадан чиқмоқ. Жардан чиқмоқ.

Алпомиш хатни ўқиган заҳотиёқ ўрадан чиқиш ҳаракатига тушиб қолди (“Алпомиш” достонидан).

Кўринадики, *чиқмоқ 10* ҳам вертикал, тик ҳаракатни англатади.

Чиқмоқ 11- белгиланган йўлдан, йўналишдан тоймоқ, чекинмоқ. *Машина издан чиқиб кетибди*.

Нодира, сенга аъло баҳо қўя олмайман, чунки ёзувларинг дафтар чизигидан чиқиб кетган (сўзлашув).

¹ **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. док-ри... дис. - Тошкент, 2007, 80- б.

Чиқмоқ 12 – бўшалмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ (ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Қопқондан чиқиб қутулмоқ.*

Чиқмоқ 13 – суғурилиб, ажралиб кетмоқ.

Йўлнинг 55-километрида даҳшатли манзарага дуч келдик: “Нексия” нинг ҳам, “Дамас”нинг ҳам бутун корпуси мажжақланган, гилдираклари чиқиб кетиб, хунук кўриниш ҳосил қилганди. Биринчи ўйим “одамлари қани, уларга ҳеч нарса қилмадимикан”, деган ўй бўлди. (“Даракчи”).

Чиқмоқ 14 - қийин шароитдан ёки бирор мавсумдан ўтиб олмоқ.

Урушдан янги чиқилган, одамлар эзилган (Ў.Ҳошимов).

Эй, қўшни, зам еманг, болангиз шу қишдан эсон-омон чиқиб олса, худо хоҳласа, кўрасиз, югуриб кетади (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 15- бунёд қилинмоқ, ясалмоқ, ишлов берилмоқ (турли предметлар, автомобил, заргарлик буюмлари ва б.).

Хўш, қалай, тойчоқ зўр-ми ? Ўзиям кечагина заводдан чиққан!

Кела қол, ўғлим, иссиққина кулчадан еб ол, ўзиям ҳозиргина тандирдан чиқди (сўзлашув).

Чиқмоқ 16 – бирор фаолият доирасидан четда қолмоқ, фаолиятини тўхтатмоқ.

Вой, а бу мошин сафдан чиққанига анча бўлибди-ку, оғайни!

Бугунгги кунда бу дастурлар фойдаланишдан чиқиб бўлган (сўзлашув).

Кўринадики, чиқмоқ 15 ва чиқмоқ 16 кўпинча оғзаки нутққа хос.

Чиқмоқ 17 – бирор жойдан, табақадан пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, бирор даражага эришмоқ.

Эҳ, болам, яхши ўқимаган боладан яхши футболчи чиқмайди

Ким айтди сизга деҳқоннинг боласидан олим чиқиши мумкин эмас,, деб? Жуда чиқади-да! (Ф.Усмонова).

Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк олимлар айнан Шарқдан чиққан (“Ўзбекистон тарихи” дарслигидан).

Чиқмоқ 18- бирор руҳий ҳолатдан қутулиш, халос бўлиш.

Депрессиядан чиқишнинг йўллари кўп, аммо, энг яхшиси бу ёқимли қўшиқ эшитиш, дўстим !

Чиқмоқ 19 - бирор нарсадан безор бўлмоқ, зерикмоқ ёки кўтара олмай олмақ.

Вой, опа, ёш боладан роса чиқиб кетибсиз-ку, битта болани эплаб овқатини едира олмабсиз! (Ф.Усмонова).

Садоқат бундай ҳаёт тарзидан аллақачон чиқиб кетганлиги учун уйга ўтиришига сира ўргана олмаяпти (сўзлашув).

Чиқмоқ 20 – тамом бўлмоқ, охирламоқ, ўтмоқ, тугамоқ, кечмоқ.

Тавба, Башират, чилла чиқди-ку, а, совуқ бунча забтига олмаса? (Ў.Ҳошимов).

Қиш чиққанига қарамай, далалардан оппоқ қор кетмаган, ҳавонинг қовоғи солиқ, тунд эди (П.Қодиров).

Чиқмоқ 21 – янги нарсанинг вужудга келиши, пайдо бўлиши.

Эшитдингизми, машинанинг “Спарк” дегани чиқибди, роса зўр эмиш...(сўзлашув).

2011 йилнинг апрелидан бошлаб Асакадаги автомобил заводида “Лассети” машинасининг газ балан юрадиган модели чиқарилади (“Даракчи”).

Чиқмоқ 22 - йўқолган нарсанинг топилиши.

Гулнорнинг Йўлчига ёзган хати Нурининг сандигидан чиқди (Ойбек).

Ўғай онамнинг йўқолган соати нимагадир ёстигимининг тагидан чиқди (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 23 – юзага келиш эътибори билан бирор манбага мансуб бўлмоқ. *Расмий идоралардан чиққан хабар.*

Ўзи бунақа совуқ гаплар фақат сенинг ўғай онангдан чиқади (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 24 – нашр бўлмоқ, чоп этилмоқ. Босилмоқ.

2006 йилнинг бошида “Фан” нашриётида А.Омонтурдиевнинг “Профессионал нутқ эвфемикаси” номли монографияси чиқди (“Маърифат йўлида”).

М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” номли монографиясининг чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлди (“Ўзбек тили ва адабиёти”).

Чиқмоқ 25 – маҳсул, самара, натижа сифатида юзага келмоқ.

Опа, айтингчи, беш килограмм қулуннайдан неча литр мураббо чиқади? (Ф.Усмонова).

Энди минг марта ҳаракат қилсанг ҳам, бу матодан кийим чиқара олмайсан (сўзлашув).

Чиқмоқ 26 – бирор иш, жой, ташкилотдан ажралмоқ, узилмоқ, узилиб қолмоқ, ташлаб кетмоқ.

Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқсин! (А.Қодирий)

Чиқмоқ 27 - алоқани узмоқ, аҳдни бузмоқ, ажралишмоқ.

Башорат, шу бугундан бошлаб сен билан ўртоқчиликдан чиқаман. Сендака эркакиода ўртоқ кеарк эмас менга! (Ў.Ҳошимов)

Йўқ, онаси, Махаматнинг қизи эрдан чиқибди, деган гапни кўтара олмайман, қизингни ажрашишига рухсат бермайман! (сўзлашув)

Чиқмоқ 28 - учрамоқ, йўлиқмоқ, пайдо бўлмоқ.

Ҳеч кутилмаганда Санобарнинг қаршисидан ўгай онасининг укаси чиқиб қолди, Фарида нима қилишни, қаерга қочишни билмай қолди (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 29 - қазиш, ковлаш натижасида топилмоқ, кўринмоқ.

Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич тупроғи - олтин, унинг бир ерини ковласанг, нефть ёки газ чиқади

Чоштепа ҳудудида олиб борилган қазишмалар натижасида тепада қадимги Тошкент тарихига оид жуда кўп тарихий ашёлар чиққан (“Ўзбекистон тарихи” дарслигидан).

Чиқмоқ 30 - ўрнидан қўзғалмоқ (бўғим суяклари ҳақида).

Қўшни, Моштабибнинг уйини билмайсизми, қизимнинг қўли чиқиб кетувди, солдириб келмоқчиман (сўзлашув.)

Чиқмоқ 31- рўй бермоқ, содир бўлмоқ.

Қўй, дугонажон, бу гапни ҳеч кимга айтма, айниқса, бу гапни даданга айтсанг, ўгай онанг билан катта жанжал чиқиши аниқ (Ф.Усмонова).

Мактаб директори билан кафедра мудирининг ўртасида арзимаган гап туфайли келишмовчилик келиб чиқиб бўлганди (сўзлашув).

Чиқмоқ 32- осмонда кўринмоқ, пайдо бўлмоқ (осмон жисмлари ҳақида).

Қаранг, ойи, янги ой чиқибди (сўзлашув).

Ҳали қуёш чиқмаган, сув юзида нозик туман пардаси силкиниб турарди (Ў.Ҳошимов).

Чиқмоқ 33 - туртиб, бўртиб турмоқ .

Хумкалланинг ёши катта бўлди-ю, аммо танаси ўсмай қолиб кетаверди, елкалари чиқиб, букри одам ҳолатга келди (Т.Малик).

Чиқмоқ 34 – тошмоқ, сиртга тепмоқ.

Ўша тундан кейин чолнинг бутун баданига галати яра чиқди (“Даракчи”).

Қизимиз касал эмас, қаранг адаси, лабига роса учуқ чиқибди-ку, демак, у тузалапти, унга докторнинг кераги йўқ (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 35 – сиртга тепмоқ, ажралиб намоён бўлмоқ, кўринмоқ.

Анвар Санаевнинг “Онамни тополмадим” қўшиғини эшитиб кўзимдан ёш чиқиб кетди (сўзлашув).

Тўнкани ағдаргунча Йўлчининг пешонасидан тер чиқиб кетди (Ойбек).

Чиқмоқ 36- тенпага кўтарилиб, атрофга ёйилмоқ; тўзғимоқ (чанг хақида).

Аҳ, қизим-а, ҳовлига сув сепмабсан-да, ҳаммёқнинг чанги чиқиб кетибди-ку! (“Даракчи”).

Чиқмоқ 37- муайян тарзда эшитилмоқ (товуш, овоз хақида).

Шунда ўранинг тубидан “ким бор?” деган овоз чиқди

Ҳа, акажониси, жуда зўр эдингизку, энди овозингиз ҳам чиқмай қолибди (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 38 – натижа сифатида юзага келмоқ.

Ана, кўрдингизми, адаси, айтган гапим тўғри чиқди, бу қизингиз ҳеч қачон одам бўлмайди (Ф.Усмонова).

Хотиржам бўлинг, менинг Холидий хақидаги фикрларим ҳеч қачон нотўғри чиқмаган (Т.Малик).

Чиқмоқ 39- бирор белги-хусусият юқори даражага етмоқ.

Бу увадаси чиқиб кетган тўнни қаердан олдингиз?

А, бу келинпоиша, елим челақларни яхшилаб ишқалаб ювиш керак эди, ҳаммасининг яғири чиқиб кетибди-ку! (“Даракчи”).

Чиқмоқ 40 –тарқалмоқ, таралмоқ (ҳид ҳакида).

Зоир синфда папкасини очган эди, ҳаммаёққа юпқанинг ҳиди чиқиб кетди. Қизларнинг норози бақир-чақирлари эшитила бошлади (Ф.Усмонова).

Менимча, консервани хонада очмаслик керак, чунки балиқнинг ҳиди чиқиб кетади (сўзлашув).

Чиқмоқ 41- муайян вазиятдан қутулмоқ.

Кеч бўлди, Асад, ҳеч ҳам вақтимиз қолмади, энди қандай бўлмасин вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ўйлаб топишимиз керак (Т.Малик) .

Чиқмоқ 42- телевизор ёки радио орқали сўзламоқ, бирор ҳаракатни бажармоқ.

Ойижон, бугун “Тошкент” каналидан телевизорда чиқаман, кўринг.

Ким радио ёки тедевидение орқали чиққан бўлса, бу ҳақда ҳисобот ёзиб берсин (сўзлашув).

Чиқмоқ 43 – чекига, номерига тўғри келмоқ.

Хотининг ўғил туғдими ёки лотереянгга машина чиқдими, намунча оғзинг қулогингда ? (сўзлашув).

Чиқмоқ 44 – унмоқ, кўкармоқ.

Эҳ, опажон, нимасини айтай, худди илк баҳорда чечаклар ниш уриб чиққанидек, менинг ҳам қалбимда Тошкентда ўқир эканман деган умид чечаклари пайдо бўлганди, энди билсам, чучварани хом санаган эканман (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 45- табиий таъсир натижасида матодан ажралиб, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқ (газламанинг ранги ҳақида) .

Кийимларни аралаштириб ювиш мумкин эмас, чунки ичида ранги чиқадиганлари бўлса, кирларнинг ҳаммасига таъсири бўлади.

Муҳаббатнинг Тошкентга келгани ёдимда, унинг энгида ранги чиққан атлас куйлак, олди тишлари қуртлаган, анқайган бир аҳволда эди (Ф.Усмонова).

Чиқмоқ 46 – кўмакчи феълли сўз кўшилмалари таркибидаги -и (-б) кўшимчали равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тўлиқ бажарилганлиги ва тугалланганлигини билдиради.

Ўқиб чиқмоқ. Қараб чиқмоқ. Ўйлаб чиқмоқ. Тикиб чиқмоқ ва б.

Чиқмоқ 47 – қўшма феъллар таркибида келади. Масалан: *сўзга чиқди, олиб чиқди, қариши чиқди* ва б.

Бизнингча, чиқмоқ феъллининг яна бир, яъни 48-маъноси ҳам бор. У орзу-умидларнинг ушалиши, ўйлаган ниятга етишиш маъносидаги семадир. Масалан: *Шошмай тур, ҳали бу уйга жуда катта харидор чиқади ёки Ҳали ҳаммаси мен айтганимдай бўлиб чиқади*

1-боб бўйича қисқа хулосалар

Ўзбек тилшунослигида феъл тадқиқи билан боғлиқ тадқиқотларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: а) феълларнинг грамматик хусусиятлари ўрганилган ишлар; б) феъллар семантик майдонларга бўлинган ҳолда тадқиқ қилинган ишлар.

Ўзбек тилидаги феълларнинг грамматик хусусиятлари атоқли ўзбек тилшунослари А. Ғуломов, А.Ҳожиев, Қ. Холиқов, Ҳ. Юсуфхўжаева, Э.Муҳаммадиев, А.Сулаймонов, М. Содиковаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбек тилшунослигида феълларни семантик майдон асосида ўрганиш ўзига хос тарихга эга. Бу соҳадаги катта изланишлар олиб борган олимлар сифатида профессорлар Иристой Қўчқортоев (нутқ феъллари), Равшанхўжа Расулов (ҳолат феъллари), Мақсуда Содикова (феъл стилистикаси), Саодат Муҳамедова (ҳаракат феъллари), доцентлар Ўлмас Шарипова (юмуш феъллари), Турғун Мусаев (сезги феъллари), Зафар Сиддиқов (ўзбек ва турк тилларидаги кўрув феъллари), Жумали Шабанов (ўзбек ва турк тилларидаги фаол ҳаракат феъллари) ларни кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда феълларнинг муайян семантик майдони танлаб олиниб, уларнинг семантик, валентлик ва бошқа хусусиятлари ўрганилган.

БМИмизнинг мазкур биринчи бобида ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феълининг изоҳли луғатда изоҳланган барча маъноларини аниқлаб, изоҳлаб чиқдик ва уушбу маъноларни исботловчи мисолларни айнан ўзимиз ўқиган адабиётлардан топишга ҳаракат қилдик.

Бизнингча, *чиқмоқ* феълининг яна бир, яъни 48-маъноси ҳам бор. У орзу-умидларнинг ушалиши, ўйлаган ниятга етишиш маъносидаги семадир.

2-боб. Чиқмоқ феълининг барқарор бирликлар таркибида қўлланиши

2.1. Чиқмоқ феълининг фразеологизмлар таркибида қўлланиши

Чиқмоқ феъли фразеологизмлар таркибида келиб турлича маъноларни ифодалайди. Фразеологизмлар маъносини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, *чиқмоқ* феълининг маънолари асосан БМЙнинг 1-бобида изоҳланган маънолари билан воқеланганини кузатиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

Абжағи чиқди – абжағини чиқармоқ. Унинг 2 маъноси бор: 1) кимнидир қаттиқ жароҳатламоқ; 2) ниманидир жуда ёмон аҳволга солмоқ.

Ҳозир қўлимга тушса, Кесакполвонни абжағини чиқариб ташлардим (Т.Малик).

Йўлнинг икки четида икки машина абжағи чиқиб ётибди (сўзлашув).

Авжига чиқмоқ – авжига чиқармоқ. Ниманидир юқори даражага кўтарилиши.

Қара-я, қиш тугаб, биринчи март келганига қарамай, совуқ авжига чиққандан чиқаяпти (сўзлашув).

Салтанатхон эрининг индамаганини кўриб, дийдиёсини тобора авжига чиқарди (Ф.Усмонова).

Бир ёқадан бош чиқармоқ - ҳамжиҳат бўлмоқ.

Энди, ўртоқлар, буёғига бошқача ишламасак бўлмайди, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқаришимиз зарур! (сўзлашув)

Бошига чиқмоқ –бошига чиқармоқ. Нималардадир ўта эркинликка эга бўлишнинг натижаси.

Бўлди, хотин, индамаган сари бошимга чиқмоқмисан?

Эй, Асад, буларга индамасак, эртага бошимизга чиқибқилишдан ҳам тоймайди (Т.Малик).

Боши чиқмади – нимадандир халос бўлмаслик, қутулмаслик.

Аҳволимиз жуда оғир, деди олдиндаги деҳқон дадил ва кескин, -ҳар хил жарималар, солиқлардан бошимиз чиқмай қолди (Ойбек).

Бошингиз чиқмасин – яхши маънодаги, ижобий тилак.

Илойим бошингиз тўйдан чиқмасин.

Тилагим шуки, ҳар доим бошингиз яхши ташвишлардан чиқмасин.

Гаплари (сўзлари) бир жойдан чиқди- фикр-ўйлари мос келди.

Тешабой акадан бошқа ҳамманинг сўзи бир жойдан чиқди (С.Абдуқаҳҳор).

Гандан гап чиқиб - фикрлар кетма-кетлигидан келинган ижобий ёки салбий натижа.

Гандан гап чиқиб Элчиннинг қамоқхонадан чиққанлиги ва ўзининг эски уйида яшаётганлиги маълум бўлди (Т.Малик).

Отабек гандан гап чиқиб, Зайнабдан Кумушнинг ухлаб ётганлигини билиб олди (А.Қодирий).

Гапининг устидан чиқмоқ – ваъда қилган ишини бажармоқ.

Эй, агар гапингизнинг устидан чиқолмасангиз, нима қилардингиз бу ишни бошлаб! (С.Абдуқаҳҳор).

Дараги чиқди – топилди, топилгани ҳақида хабар келди.

Бир ҳафта деганда Қорасувнинг қуйи оқимидан мурданинг дараги чиққан... (“Даракчи”).

Дами чиқмади – ҳеч нарса демади, индамади.

Бир маҳалладан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизматкорининг қизи эмиш... Дамингни чиқарма! (Ойбек)

Донги чиқди – ном чиқармоқ, маълум-машҳур бўлмоқ.

Тўйдан донги чиққан ашулачи- санъаткордан бошқа ҳамма хурсанд бўлиб тарқалди (А.Қаҳҳор).

Ёд (и) дан чиқмоқ – эс(и) дан чиқмоқ.

Ишлар билан бўлиб, Дилбарга хат ёзиш бутунлай ёдидан чиқиб кетган экан (П.Қодиров).

Ёдидан чиқармоқ - унутмоқ, хотирасидан чиқармоқ.

Сизни билмадим, аммо мен у кунларни ёдимдан чиқардим, унутдим ...(А.Қодирий).

Жаҳл (и) чиқди, жаҳлини чиқармоқ - ачиғи келмоқ, ғазабланмоқ.

Ҳей, қиз, менга қара, жаҳлимни чиқарсанг, отга ўнгариб олиб қочишдан ҳам тоймайман (С.Аҳмад).

Ойижон, агар жаҳлингиз чиқмаса, сизга бир гап айтар эдим (сўзлашув).

Жони чиқди I – ўлмоқ, сўнгги марта нафас чиқармоқ.

Милтиқдан ўт очди. Жони чиқаётган солдатнинг бақиргани эшитилди (Ойбек).

Жон (и) чиқди II - ниҳоятда ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ.

Хайдар ўғирлаган тугуни ичи тўла кесак эканлигини кўриб, жони чиқиб кетганди, шундан бери уни “Кесакполвон” дейишарди (Т.Малик).

Жонини чиқармоқ - бировнинг жаҳлини чирмоқ.

Менга насиҳат қилавериб, жонимни чиқарманг! (сўзлашув)

Жони-пони чиқиб кетди - ниҳоятда қаттиқ кўркмоқ.

Қайрилиб қарасам, тирпратикан билан қамчиннинг сопидек олачипор илон урушяпти. Жони-поним чиқиб кетди (И.Раҳим).

Жойи чиқмоқ – кўнгилдагидек оила, муносиб куёвни учратмоқ.

Салима опа бу йил, жойи чиқса, албатта, қизини узатишини айтди (сўзлашув).

Издан чиқмоқ – нормал ҳолати, ривожланиши бузилмоқ.

Бу лаънати ҳаммани шундоқ гапларга ўргатади, ҳаммани издан чиқаради (П.Қодиров).

Издан чиқармоқ – кимнинг, ниманингдир нормал ҳолатини, ривожланишини бузмоқ, йўлдан чиқармоқ.

“Пахтанинг охирги grammi учун курашамиз” - дейсиз-у, амалда ишини издан чиқариб юборибсиз (Н.Назаров).

Ичи чиқмади - нимадандир норози бўлмаслик, қоникмаслик.

Ойижон, шу бугун олган кўйлагимдан ҳеч ичим чиқмаяпти, нима қилсам экан-а? (сўзлашув).

Ишдан чиқмоқ – ниманингдир ёки кимнингдир яроқсиз ҳолатга келиши.

Райимбек дотқо қилич яланглаб, сипоҳлар олдида оломонга қараб югурди, бироқ унинг бу ғайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, Уста Мўминжон исмлиқ бир милтиқнинг устасининг отқан ўқи билан ишдан чиқди (А.Қодирий).

Ишдан чиқармоқ - ниманидир ёки кимнидир яроқсиз ҳолатга келтириш.

Сал ўтмай иккинчи пулемётни ҳам тепаликдан ағанатиб, ишдан чиқардик (М.Муҳамедов).

Йўлга чиқмоқ –жўнаб кетмоқ, равона бўлмоқ.

Кун чиқиб ёйилганда йўлга чиқдик (И.Раҳим).

Йўлдан чиқмоқ – айнимоқ, ёмон йўлга кирмоқ.

Опажон, хавотир олманг, ҳозирча шайтоннинг гапига кириб, йўлдан чиққаннимча йўқ, аммо ўгай онамдан ўч олиш ниятидан ҳам қоз кечган эмасман (Ф.Усмонова).

Йўлдан чиқармоқ - айнитмоқ, ёмон йўлга бошламоқ.

Омонни йўлдан чиқариб, бойнинг бирорта молини ўлжа қилиб кетиш пайида эдим (Ғ.Ғулом).

Лабига учуқ чиқади – қаттиқ кўрқиш билан чўчимоқ.

“Доим шундай қиласиз, янгилик деса, лабингизга учуқ чиқаверади”, -
деб отани хижолат қилибди раис олдида (А.Муҳиддин).

Миси чиқди – сохталиги, ёлғонлиги фош бўлди.

Вой, қўшнижон, эшитдингизми, янги магазинчининг миси чиқибди-ку!
(сўзлашув)

Пулатжоннинг миси чиқиб қоладиганга ўхшайди. Қаҳрамонлиги
гирт ёлгон экан (Саид Аҳмад).

Нархи осмонга чиқиб кетибди – маҳсулотлар нархининг жудаошиб
кейтиши.

Бозорга борсам, хўл меваларнинг нархи осмонга чиқиб кетибди
(сўзлашув).

Нафаси чиқмади – индамади, умуман ҳеч нарса демади.

У синфга кириб шундай бақирдики, ҳеч кимнинг нафаси чиқмади
(сўзлашув).

Номи чиқди – ҳаммага машҳур бўлди.

Шоу бизнесда ном чиқариш осон эмас, санъатнинг нонини ейиш учун
темирдан тиш керак (“Даракчи”).

Оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетаверади - мулоҳаза
қилмасдан гапиради.

Вой, товба, қаранг-а, ўн минг доллар эмиш, бели оғримаганни
кўринг, оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетаверади-я! (сўзлашув)

Пулингга чечак чиққанми? Керакли нарсани олиш учун бировнинг пулини сўраб, ўз пулини қизғонадиган кишиларга айтиладиган одамларга нисбатан айтиладиган ибора.

Пучакка чиқмоқ – ўй-хаёлларнинг саробга айланиши.

Хўп аврадинг, хуштор бўлдинг, иш пучакка чиқди. Бас энди, одамлар мазах қиляпти (Ойбек).

Пучга чиқмоқ – хом хаёл бўлиб қолмоқ.

Ота-онасининг умиди пучга чиқиб, ўғлининг бу ишидан ранжиб, нима қилдишларини билмай азрайиб қолишиди (Ў.Азимов).

Сўзининг устидан чиқмоқ – ваъда қилган ишни бажармоқ.

Асадбек айтган сўзининг устидан чиқди, эртаси куниёқ унинг эшиги тагида янги “Волга”ни олиб келиб қўйишиди (Т.Малик).

Тили чиқмоқ- гўдакнинг нутққа эга бўлиши. *Ёдгорнинг ҳам тили чиқиб қолди: “дада-дада”ни оғзидан қўймайди* (Ғ.Ғулом).

Турмушга чиқмоқ –оила қурмоқ (хотин-қизларга нисбатан). *Шу кезларда ипак заводидаги бир йигит билан сўз бириктириб, унга турмушга чиққан* (Ғ.Ғулом).

Уддасидан чиқмоқ – ишни уддалай олмоқ, сўзининг устидан чиқмоқ. *Чолдан сўранг. У ҳар балони билади, ҳар ишининг уддасидан чиқади* (Ойбек).

Умиди пучга чиқди - орзулари саробга айланди. *Сўнгги умидим ҳам пучга чиқди – онам ҳам отам томонига ўтиб олдилар* (сўзлашув).

Устидан чиқмоқ I – бир нарса қилинаётганда тапасига бориб қолмоқ. *Валихон энди унинг бу енгилтаклигининг устидан чиқиб, бутунлай ўзини йўқотиб қўйган эди* (Ш.Тошматов).

Устидан чиқмоқ II- ваъдани бажармоқ. Демак, *Ҳамидов телефонда берган сўзининг устидан чиқибди* (П.Қодиров).

Фикрлари бир ердан чиқди – гаплари бир жойдан чиқди.

Фигони фалакка чиқди – руҳан ортиқ даражада эзилиб, бўғилиб оҳ-воҳ қилмоқ. *Фигоним фалакка чиқди, бугун Гулсанам мени ташлаб кетди* (Ойбек).

Чизган чизигидан чиқмаслик - барча талабларини бажармоқ, кўрсатмаларига амал қилмоқ. *Талабим шуки, шу бугундан бошлаб менинг чизган чизигимдан чиқмайсиз* (Ф.Усмонова).

Энка-тенкаси чиқди 1- қийналиб кетмоқ. *Бош бермай ола-тасир қочган отни жиловлайман деб, Қудратнинг энка-тенкаси чиқиб кетди* (Ҳ.Назир).

Энка-тенкаси чиқди 2 – бирданига қаттиқ кўрқиб кетмоқ. *Акасини кўриб, энка-тенкаси чиқиб кетиб, йиқилиб тушди* (сўзлашув).

Эс(и) чиқмоқ – ниманидир унутмоқ. *Албатта, ўғлим Ёдгорни ҳам, у билан боғлиқ воқеаларни ҳам эсимдан чиқармайман* (Ғ.Ғулом).

Эси чиқиб кетмоқ – қаттиқ кўрмоқ. *Кириб келаётган одам акам эканмикан деб эсим чиқиб кетди* (сўзлашув).

Эрга чиқмоқ – турмушга чиқмоқ.

Эрдан чиқмоқ- турмуш ўртоғидан ажралмоқ.

Юзага чиқмоқ – кўнглдаги истак-режалар воеқеликка айланди. *Яқинда, худо хоҳласа, мен ҳам юзага чиқаман* (сўзлашув).

Юраги чиқиб кетди – қаттиқ қўрмоқ. *Мен бўлсам, отни сўяр эканми деб, худди юрагим чиқиб кетди* (Ойдин).

Қаёқдан кун чиқди? – кутилмаган иш содир бўлса айтилади. *Вой, нечук. Укамгинам, қаёқдан кун чиқди, биз томонларга келиб қолибсан?* (сўзлашув)

Қўлдан чиқмоқ 1 – ниманидир йўқотмоқ. *Нима, ҳар кунги даромад қўлдан чиқса-ю, акам индамасинми?*

Қўлдан чиқмоқ 2 – қайсидир ишнинг битиши (уй-иморат, тикиш, ёзиш кабилар). *Уйнинг охиригача ўзингиз қўлдан чиқарсангиз, уста, илтимос* (сўзлашув).

Қўлдан чиқмоқ 3 – ниманидир унутиб қолмоқ, қўли келишмаслик. *Эй, ол бунни, дўпни тикишдан ҳам қўлим чиқиб қолибди, бузиб қўймай тагин* (Ф.Усмонова).

Қўли чиқмоқ – тўсатдан уришни бошламоқ. *Ҳа, энди бни йил деганда поччамнинг қўллари чиқиб қолибдимми?*

Қуюшқондан чиқди – ҳаддидан ошди. *Энди, қўшни булар индамас экан деб, жуда қуюшқондан чиқиб кетманг, сизга ҳам аталгани бордир* (Ф.Усмонова).

Ҳасратидан чанг чиқади – ортиқ даражада норозилик билдириб гапирмоқ. *Қуда холанинг ўғли Туробдан гапириб туриб, ҳасратидан чанг чиқди* (сўзлашув).

Ҳордиқ чиқармоқ – дам олмоқ, истироҳат қилмоқ. *Менинг сизга айтадиган ҳикоям ҳам ҳордиқ чиқарадиган ҳангома тарзида бўлади* (Ғ.Ғулом).

2.2. Чикмоқ феълининг мақоллар таркибида қўлланиши

Чикмоқ феъли мақоллар таркибида ҳам фаол қўлланади. Маълумки, мақол ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гапдир. *Чикмоқ* феъли мақоллар таркибида келганида БМИнинг биринчи бобида изоҳланган маъноларига эга бўлади. Хусусан, қуйидаги мақолларда бунни кузатиш мумкин :

Болага тегма, балоси чиқар, Хотинга тегма, қасоси чиқар

Бу мақолда аёл кишининг макри кўп бўлиши, у ўзига ёмонлик қилган одамдан вақти келиб албатта қасос олиши мумкинлиги ҳақида сўз боради. Чикмоқ феъли бу ўринда– маъноси билан қатнашган.

Бировнинг қаҳридан қутулмоқ - бургут чангалидан чиқмоқ

Ушбу мақолда иложи борича душманларни камайтириш ва дўстларни кўпайтириш хусусида фикр билдирилган, зеро кимгадир яхшилик қилиб, унинг қаҳридан қутулмоқ бургут чангалидан омон чикмоққа қиёсланади. Мақолдаги *чикмоқ феъли*-маъноси билан қўлланган.

Ерни қазимасанг, олтин чиқмас

Бу мақолда меҳнатсиз бирор бир натижа, роҳат йўқлиги таъкидланади, ундаги чикмоқ феълимаъносида келган.

Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон куйдирмасанг, жонона қайда

Бу мақолда ҳам олдинги мақолдаги каби бирор натижага ва ютуққа эришиш учун тинмай меҳнат қилиш, ҳаракат қилиш, интилиш зарурлиги таъкидланади. Мақол таркибидаги *чикмоқ* феълимаъносида келган.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, донғи чиқса ҳам донғи чиқмас

Мазкур мақолда якка инсонга, ягона фарзандга қийин бўлиши, умуман, ёлғизликнинг салбий оқибатлари ҳақида гап боради. Ундаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Ота-онанг чизган чизигидан чиқмагин

Ушбу мақолда ота-онанинг барча талабларини бажариш, кўрсатмаларига амал қилиш зарурлиги уқтирилган, зеро ота-она болага нисбатан тажрибали ва ҳаётни яхши билади, шунга кўра у фарзанди учун зарур бўлган ҳаёт йўли-чизигини чизиб бера олади. Мақолни яратишда *чиқмоқ* феъли иштирокидаги фразеологизмдан фойдаланилган.

Сўнги пушаймондан наф чиқмас

Бу мақол ҳам жуда доно мақол бўлиб, инсон бирор бир ножўя ишни қилади, кейин эса ундан қаттиқ афсусланади. Аммо бу пушаймондан ҳеч қандай фойда чиқмайди ва, аксинча, ўзининг соғлиғи учун зарарли бўлиши мумкин. Бу мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Халққа суянсанг, бўласан, Халқдан чиқсанг, сўласан.

Бу мақолда инсон ҳаёти давомида ҳамиша, ҳар қачон халққа суяниши лозимлиги, ўз қайғусида ҳам, шодлигида ҳам халқ билан бирга бўлиши лозимлиги ҳақида сўз боради. Мазкур мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар

Бу мақолда яхши сўзнинг қудрати ҳақида фикр билдирилган, зеро тил дунёдаги энг ширин ва энг даҳшатли воситадир, у билан бор қилиш ҳам мумкин, йўқ қилиш ҳам. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Қарнуоқнинг боласидан булбул чиқибди

Бу мақолда ота-онада кузатилмаган хислатларнинг фарзандда кузатилиши ҳақида сўз боради. Чунки айрим ота-оналар камгап, камтар, камсуқум бўлганликлари ҳолда уларнинг фарзандлари ўта маҳмадона, сергап, жуда серҳаракат, шўх бўлишлари мумкин. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъносида қўлланган.

Камбағални сийласанг, чориги билан тўрга чиқади

Бу мақол ўз ўрнини билмайдиган, бирдан бойиб кетиб, босар-тусарини билмай қолган инсонларга нисбатан айтилади. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Эрдан чиққан қиз – чигириқдан таиқари

Бу мақол оила мустаҳкамлигини сақлашга қаратилган, яъни мақолда қиз бола узатилган уйида борга ҳам, йўққа ҳам кўниши зарурлиги, ўз уйида қайтиб келган қизнинг обрўси аввалгидек бўлмаслиги таъкидланади. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Ўйиндан ўқ чиқди

Ушбу мақолнинг маъноси “ҳазил, ҳазилнинг таги зил” маъносига тўғри келади. Ёки яхши суҳбат билан бошланган давраларда баъзида уруш-жанжал келиб чиқиши мумкин. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган.

Ўзимдан чиққан балога, дод деб борайин қайёнга

Мазкур мақолда инсон учун кутилмаганда ўз яқинларидан ёмонлик кўриши ва бу ҳақида бировларга айтиб бўлмаслиги ёки ёмонликка нисбатан чора кўриб бўлмаслиги ҳақида сўз боради. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қўлланган.

Ўғил уйлантирганга ўн йил, Қиз чиқарганга қирқ йил ёндашма

Бу мақол жуда замонавий ва долзарб мақол бўлиб, (айниқса, Тошкент шаҳри ва вилояти мисолида) қизига сеп қиламан деб, бели букилиб қолганларга нисбатан ишлатилади. Мақол таркибидаги *чиқмоқ* феъли ...маъноси билан қатнашган ва б.

2-боб бўйича қисқа хулосалар

Чиқмоқ феъли фразеологизмлар таркибида келиб турлича маъноларни ифодалайди. Фразеологизмлар маъносини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, *чиқмоқ* феълининг маънолари асосан БМИнинг 1-бобида изоҳланган маънолари билан воқеланганини кузатиш мумкин. БМИнинг 2-бобида таркибида *чиқмоқ* феъли қатнашган фразеологизмлар бирма-бир кўриб чиқилди, уларнинг маънолари изоҳланди.

Чиқмоқ феъли мақоллар таркибида ҳам фаол қўлланади. Маълумки, мақол ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гапдир. *Чиқмоқ* феъли мақоллар таркибида келганида БМИнинг биринчи бобида изоҳланган маъноларига эга бўлади. Шунга кўра БМИнинг 2.2.-бўлимида таркибида *чиқмоқ* феъли қатнашган мақоллар бирма-бир кўриб чиқилди, уларнинг маънолари изоҳланди ва *чиқмоқ* феълининг айнан қайси маъноси билан мақоллар таркибида келганлиги аниқланди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тилшунослигида феъл тадқиқи билан боғлиқ тадқиқотларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: а) феълларнинг грамматик хусусиятлари ўрганилган ишлар; б) феъллар семантик майдонларга бўлинган ҳолда тадқиқ қилинган ишлар.

Ўзбек тилидаги феълларнинг грамматик хусусиятлари атоқли ўзбек тилшунослари А. Ғуломов, А.Ҳожиев, Қ. Холиқов, Ҳ. Юсуфхўжаева, Э.Муҳаммадиев, А.Сулаймонов, М. Содиковаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбек тилшунослигида феълларни семантик майдон асосида ўрганиш ўзига хос тарихга эга. Бу соҳадаги катта изланишлар олиб борган олимлар сифатида профессорлар Иристой Қўчқортоев (нутқ феъллари), Равшанхўжа Расулов (ҳолат феъллари), Мақсуда Содикова (феъл стилистикаси), Саодат Муҳамедова (ҳаракат феъллари), доцентлар Ўлмас Шарипова (юмуш феъллари), Турғун Мусаев (сезги феъллари), Зафар Сиддиқов (ўзбек ва турк тилларидаги кўрув феъллари), Жумали Шабанов (ўзбек ва турк тилларидаги фаол ҳаракат феъллари) ларни кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда феълларнинг муайян семантик майдони танлаб олиниб, уларнинг семантик, валентлик ва бошқа хусусиятлари ўрганилган.

БМИмизнинг мазкур биринчи бобида ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феълининг изоҳли луғатда изоҳланган барча маъноларини аниқлаб, изоҳлаб чиқдик ва уушбу маъноларни исботловчи мисолларни айнан ўзимиз ўқиган адабиётлардан топишга ҳаракат қилдик.

Бизнингча, *чиқмоқ* феълининг яна бир, яъни 48-маъноси ҳам бор. У орзу-умидларнинг ушалиши, ўйлаган ниятга етишиш маъносидаги семадир.

Чиқмоқ феъли фразеологизмлар таркибида келиб турлича маъноларни ифодалайди. Фразеологизмлар маъносини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, *чиқмоқ* феълининг маънолари асосан БМИнинг 1-бобида изоҳланган маънолари билан воқеланганини кузатиш мумкин. БМИнинг 2-бобида таркибида *чиқмоқ* феъли қатнашган фразеологизмлар бирма-бир кўриб чиқилди, уларнинг маънолари изоҳланди.

Чиқмоқ феъли мақоллар таркибида ҳам фаол қўлланади. Маълумки, мақол ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гапдир. *Чиқмоқ* феъли мақоллар таркибида келганида БМИнинг биринчи бобида изоҳланган маъноларига эга бўлади. Шунга кўра БМИнинг 2.2.-бўлимида таркибида *чиқмоқ* феъли қатнашган мақоллар бирма-бир кўриб чиқилди, уларнинг маънолари изоҳланди ва *чиқмоқ* феълининг айнан қайси маъноси билан мақоллар таркибида келганлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.
- 2.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.
4. **Асқарова М.А., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ.** Ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1989.-280 б.
5. **Бегматов Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. -200 б.
6. **Искандарова Ш.** Тил системасига майдон асосида ёндашув.-Тошкент : Фан, 2007.- 150 б .
7. **Исақова Г.Н.** Ўзбек тилидаги қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол.фан.номз...дис. автореф.-Тошкент,2008. -21 б.
7. **Кучкартаев И.К.** Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Дис...д-ра филол. наук. -Ташкент, 1978. -355 с.
8. **Мусаев Т.** Ўзбек тилида сезги феъллари: Филол.фан.номз...дис.- Тошкент, 1992. -116 б.
9. **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги: Филол.фан.номз...дис.-Тошкент, 1999.- 143 б.
10. **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фан.д-ри...дис.-Тошкент, 2007.-325 б.
11. **Муҳамедова С., Умирзакова Ф.** Ўзбек тилидаги “тафаккур” семали бирликларнинг семантик таснифи // Филология масалалари. –Тошкент, ЎзДЖТУ, 2010, №1. –Б.33-37.
12. **Оразов М.** Ўзбек тилида ҳаракат феъллари // Совет мактаби.-1983, №12.-Б.30-33.

13. **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент: Фан, 1989.-141 б.
14. **Расулов Р.** Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши.-Тошкент, 2001.-171 б.
15. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик изоҳли луғати.-Тошкент:Ўқитувчи, 1978.- 405 б.
16. **Содиқова М.С.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол.фан.д-ри...дис.-Тошкент, 1991.-288 б.
17. **Сиддиқов З.** Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси. Филол.фан.номз...дис.-Тошкент, 2000.
18. **Шарипова Ў.** Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлар: Филол.фан.номз...дис.автореф.-Тошкент, 1996.—19 б.
19. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати.** 4-том. –Тошкент:ЎзР МЭ, 2008. - 606 б.
20. **Қўчқортоев И.** Нутқий даъват феълларининг семантик модели ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-1974, №6.-Б.46-50.
21. **Қўчқортоев И.** Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-1973, №3.-Б.35-40.
22. **Қўчқортоев И.** Сўз маъноси ва унинг валентлиги.-Тошкент, Фан, 1977.-166 б.
23. **Қўчқортоев И.** Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти.-1974, №6.-Б.46-50.
24. **Ғуломов А.** Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар.- Тошкент: Фан, 1954.-88 б.
25. **Ҳожиёв А.** Феъл.-Тошкент: Фан, 1973.-192 б.
26. **Ҳожиёв А.** Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.-164 б.

Манбалар:

- 1.Фарида Усмонованинг “Дил фарёди” романи.
2. Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи.
3. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи.
4. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси.
5. Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи.